

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СОАТОВ ҒИЁССИДДИН ТУРДИЕВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ЭКОЛОГИК САПРОБ - ИНДИКАТОР
СУВЎТЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА УНДАН СУВ
СИФАТИНИ БИОНАЗОРАТ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Соатов Гиёссиддин Турдиевич

Қашқадарё экологик сапроб индикатор сувўтларининг географик тарқалиши ва ундан сув сифатини бионазорат қилишда фойдаланиш.....5

Соатов Гиёссиддин Турдиевич

Географическое распространение экологических сапроб-индикаторных водорослей Кашкадарьи и использование их в качестве биоконтроля воды.....21

Soatov Giyassiddin Turdiyevich

Geographic distribution of ecological saprobic-indicator algae of Kashkadarya and their use in water biocontrol41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СОАТОВ ҒИЁССИДДИН ТУРДИЕВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ЭКОЛОГИК САПРОБ - ИНДИКАТОР
СУВЎТЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА УНДАН СУВ
СИФАТИНИ БИОНАЗОРАТ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В345 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимжанова Холисхон Алимжановна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Ташханим Тўймухамедовна
биология фанлари доктори, профессор

Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎзР ФА Микробиология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.В.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2024-йил “18” май куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Экология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.: +99871 246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (+99871) 246-67-72.

Диссертация автореферати 2024 йил “01” май куни тарқатилди.
(2024 йил “01” майдаги 17-рақамли реестр баённомаси).



Рахимова Тўра Узоқовна

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси, биология
фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш котиби, биология
фанлари номзоди, доцент

Жаббаров Зафар Абдукаримович

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда сув ресурсларини турли техноген таъсирлардан муҳофаза қилиш, табиий сув ҳавзалари барқарорлигини таъминлаш, айниқса, ундаги флоранинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Бу ўринда қуруқлик сув ҳавзалари альгофлорасининг шаклланиши ва тақсимланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг 46 фоиз биохилма-хиллиги дарёлар улушига тўғри келади. Шу жихатдан олганда, табиий сув ҳавзалари альгофлорасини ҳар томонлама ўрганиш, дарё сувининг экология-санитария ҳолатини баҳолаш, унинг келажакдаги ҳолатини башорат қилиш асосида сув сифати ва сувдаги биохилма-хилликни асраш, муҳофаза қилишни назарий асосларини яратиш, натижалар имконияларини амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Жаҳонда қуруқлик очик сув ҳавзалари сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш, сувнинг сифати, тозалик кўрсаткичларини аниқлаш, ифлосланиш даражаларини белгилаш, ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг гидробионтларга салбий оқибатларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, сув ҳавзалари кимёвий таркибига, органино-минерал ва токсик моддалар билан ифлосланиш даражасига, индикатор сапроб сувўтларининг сезувчанлигига ҳамда шулар асосида сувнинг сифатини баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада дарёлар альгофлораси ва сувўтлардан дарё суви муҳофазасида фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан ҳудудлар кесимида сув ҳавзалари альгофлораси тадқиқ этилди, сувўтларининг тарқалиши ва шаклланишида экологик омилларнинг аҳамияти очиб берилди. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жумладан, “атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф муҳитга таъсири устидан мониторингни амалга ошириш¹” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Қашқадарё дарёси сувўтлари таркибидаги сувнинг органик моддалар билан ифлосланиш кўрсаткичларини белгилашда индикатор сапроб турларни аниқлаш, уларнинг тарқалиш қонуниятларини очиб беришда ташқи муҳит омилларининг ролини ўрганиш ҳамда дарёнинг мавсумий ва даврий ифлословчи манбаларини мониторинг қилиш муҳим илмий-амалий аҳмият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт страте-гияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, эко-логия ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг кўплаб хорижий мамлакатларида дарёлар альгофлораси, таксономияси, унинг шаклланишига экологик омилларининг таъсири ҳамда сувнинг экология-санитария ҳолатини баҳолашда сувўтларининг роли ҳақидаги маълумотлар хориж олимларидан R.Kolkwitz, M.Marsson (1908,1909), V.Sladecek (1961, 1973), Banenjer Meenakshi (1991), D.D.Olding et al (2000), Zarei Darki B. (2004) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган.

МДХ мамлакатларида экологик сапроб индикатор сувўтларининг тадқиқ этилиши борасида бир қатор маълумотлар мавжуд. Сув ҳавзалари экология-санитария ҳолатини баҳолаш, сув юза қисмидаги контакт зона ва унинг сувга таъсирини ўрганиш, сувни сифатига баҳо бериш, сапроблилик индексини, сапроблилик зонасини аниқлаш Г.И.Долгов, Я.Я.Никитинский (1927), R.Sramer-Husk (1956), Pantle R., Buck H. (1955), В.Н.Жукинский, О.П.Оксиюк, Г.Н.Олейник, С.И.Кошелева (1981) ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Ўрта Осиё ва айнан Ўзбекистонда дарёлар ва бошқа сув ҳавзалари альгофлораси ҳамда экология-санитария ҳолати ҳақида Х.А.Алимжанова (1991, 2005), М.А.Шайимкулова (2007), Н.Ш.Эшмуродова (2010), Х.Эргашева (2017), Й.Ш.Тошпўлатов (2018), З.А.Исматова (2018), М.П.Юлдашева (2019), К.С.Маманазаровалар (2019) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Бироқ илмий манбаларнинг таҳлиliga кўра, Қашқадарё суви сифатини баҳолашда альгофлоранинг аҳамияти мутлақо ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан Қашқадарё экологик сапроб-индикатор турларининг тўлиқ инвентаризациясини, флора-таксономик, экологик таҳлилин амалга ошириш, сувўтларининг тарқалиши ва шаклланишида экологик омилларнинг ролини ўрганиш, дарё суви экология-санитария ҳолатини баҳолаш, сувўтларидан дарё суви муҳофазасида фойдаланиш масаласини ёритиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А9-Т005 “Маҳалий ва ўзга ҳудудлар флорасида учрайдиган истиқболли сувўтлари, реликт, камёб ва йўқолиш арафасида турган юксак сув ва сув

ботқоқ ўсимликлари турларини коллекциясини яратиш мақсадида уларни излаш ва танлаш” (2009-2011) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ва “Ноёб объектлар” (2010-2021)” давлат дастурининг “Ўзбекистон сув хавзалари сувўтлар флораси коллекцияси” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё экологик сапроб-индикатор сувўтларининг географик тарқалиши ва ундан сув сифатини бионазорат қилишда фойдаланишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё экологик сапроб-индикатор турлар таркиби биохилма-хиллиги, уларнинг таксономик ва қиёсий таҳлили, етакчи таксонлар, прогрессив ва регрессив турларини аниқлаш;

дарё сапроб-индикатор турларнинг экологик омиларга сезувчанлиги ва экологик гуруҳлари, мавсумий ривожланишини ўрганиш;

экологик сапроб-индикатор турларнинг дарё оқимларида географик тарқалишини тадқиқ қилиш;

дарё оқимларидаги сапроблик индекс кўрсаткичларини аниқлаш, сув сифати ва экологик-сапроблик зоналарини белгилаш, сувнинг сифатини биологик назорат қилишда ва дарё суви муҳофазасида сапроб-индикатор сувўтлар индексидан фойдаланиш;

экологик сапроб-индикатор турлар систематик, қиёсий, сапроблик рўйхатларини тузиш, расмлари ва экологик сапроб-индикатор турлар маълумотлари базасини яратиш, улардан фойдаланиш истиқболлари.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарёнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимларининг экологик сапроб-индикатор сувўтлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини - Қашқадарё юқори, ўрта ва қуйи оқимлари сапроб-индикатор сувўтлари, таксономия, флористика, экология-санитария, дарё суви сифати бионазорати ва дарё суви муҳофазаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда альгологик, микробиологик, гидробиологик, гидрохимёвий ва статистик методлар, дала амалиёти мониторинги ва лаборатория таҳлиллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё дарёси оқими бўйлаб сувнинг ифлосланиш даражасини кўрсатувчи экологик сапроб-индикатор сувўтларнинг турлар таркибини (75 тур ва тур хиллари: 68 тур, 6 вариация, 1 форма) тўлиқ инвентаризациялаш орқали таксонларнинг флористик ва таксономик таҳлиллари амалга оширилган, альгофлорадаги прогрессив ва регрессив турлар аниқланган ва муҳофазага муҳтож йўқолиш арафасидаги турлар аниқланган;

индикатор-сапроб сувўтларнинг ҳарорат, минерализация ва муҳитга таъсирчанлиги каби экологик омиларга муносабатига кўра экологик гуруҳлари таҳлил қилинган ҳамда сувўтларнинг оқим бўйлаб тақсимланиш хусусиятлари асосланган;

Қашқадарё дарёси суви ҳароратининг кўтарилиши сувўтларнинг турлар сонининг ортишига ва ҳароратнинг пасайиши турлар сонининг камайишига тўғри пропорционаллиги очиқ берилган;

экологик сапроб-индикатор сувўтларнинг мониторинг нуқталар ва оқимлардаги сапроблик индекс кўрсаткичлари (Si) биринчи маротаба ҳисобланган, шу асосида сув сифати баҳоланиб, дарё экологик-сапроб зоналари белгиланган ва бу кўрсаткичлар илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Қашқадарё экологик сапроб-индикатор сувўтларининг 75 туридан 8-тури ксеносапроб, 21-тури олигосапроб, 36-тури бета-мезосапроб, 9-тури альфа-мезосапроб, 1-тури полисапроб турлар ва уларнинг валентлиги (сапроблик - s) ҳамда оқимларда учраш даражаси (h) аниқланган, сапроб индикатор турларнинг рўйхатлари тузилган.

дарё мониторинг нуқталаридаги сапроблилик индекс кўрсаткичлари Si 2,04 дан 2,47 ва 2,93 – 3,0 гача ўзгариши аниқланган; сув сифати 3-синф 3а разряд (қониқарли: етарли тоза)дан 3б (қониқарли: кучсиз ифлосланган) 4-синф 4а разряд (ифлосланган: ўртача ифлосланган) даражагача ўзгариши белгиланган; дарё оқимлари сапроблик зоналари бета^I мезосапроб зонадан бета^{II} – а^I-даражали мезосапроб зонагача ўзгариши аниқланган;

дарё суви сифатини бионазорат қилиш ва муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган кўп йиллик лаборатория ва дала мониторинг кузатувлари натижалари ҳамда замонавий сапробиологик бионазорат усуллари қўлланилгани, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган, нуфузли хорижий ва республика илмий журналларда чоп этилгани, натижаларнинг амалиётга жорий қилингани, йиғилган сувўтлар намуналари сувўтлар коллекцияси ЎзР ФА Ботаника институти “Ўзбекистон сув ҳавзалари сувўтлар флораси” фондини бойитгани ва сақланаётгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё оқимлари сапроб-индикатор сувўтлари турлари таркиби аниқлангани, систематик, қиёсий, ҳамда етакчи таксонлар, прогрессив ва регрессив турлар таҳлил қилингани, Ўзбекистон сув ҳавзалари альгофлораси ареали яна битта ҳудуд – янги Қашқадарё сапроб-индикатор турлари ареалига кенгайгани; экологик гуруҳларнинг шаклланиши ва мавсумий ўзгариши экологик омилларга (ҳарорат, минерализация, рН ва бош.) боғлиқлиги; оқимларда турларнинг камайиб бориши сувдаги токсик моддалар миқдорига алоқадорлиги, сапроб-индикатор сувўтларининг экологик хусусиятларига кўра Қашқадарё суви сифатига экологик баҳо берилгани, биологик назоратда фойдаланиши илмий асослангани ва тавсиялар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дарё суви оқимларида сифат ўзгариши аниқлангани, Қашқадарё сувининг экологик ҳолати сапроб-индикатор турлар индекси асосида баҳолангани, сувнинг органио-минераллар ифлосланишини белгиловчи сапроб-индикатор турларнинг электрон маълумотлар базаси, систематик, қиёсий, сапробиологик рўйхатлари тузилгани, расмлари ишлангани, сувнинг мавсумий ва оқим бўйлаб ифлосланиш

индекси аниқлангани, дарё суви сифати ва экологик зоналари белгилангани ҳамда дарё суви бионазоратида фойдаланувчи тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё экологик сапроб-индикатор сувўтларининг географик тарқалиши ва ундан сув сифатини бионазорат қилишда фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё дарёси сувўтлари турларининг ташқи муҳит омилларига (сувнинг ҳарорати, минерализация, муҳитга таъсирчанлик) кўра экологик гуруҳлари ўрганилган ҳамда уларнинг дарё оқими бўйлаб тақсимланиш хусусиятларини таҳлил қилиш орқали дарё сувнинг ҳарорати, минерализацияси ва рН кўрсаткичларини оқим бўйлаб ортиб бориши кўрсаткичлари Қашқадарё вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 20 мартдаги 03-03/3-2713-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё дарёсини сувининг ҳарорати, минерализацияси ва рН кўрсаткичларини мавсумий ҳамда оқим бўйлаб ортиш кўрсаткичларини белгилаш, бу кўрсаткичларга таъсир этувчи манбаларни аниқлаш ҳамда биомониторингини олиб бориш имконини берган;

дарё альгофлораси таркибидаги индикатор-сапроб сувўтларининг оқим бўйлаб тарқалиши, дарё сувнинг органик моддалар билан ифлосланиш индекс кўрсаткичлари, сувнинг сифатини, экологик зоналарини белгилаш ҳамда дарё альгофлораси таркибидаги регрессив турларнинг камайиб бориш сабаблари ҳамда уни олдини олишга оид тавсиялар Қашқадарё вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 20 мартдаги 03-03/3-2713-сон маълумотномаси). Натижада, дарё сувини оқим бўйлаб ва мавсумий ифлосланиш даражаларини ортиб бориш сабабларини аниқлаш, сувнинг тозалик даражасини белгилаш ҳамда камайиб бораётган турларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

дарё суви физик-кимёвий таркибининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган, дарё оқими бўйлаб кимёвий бирикмаларнинг ортиб бориш тенденциясини асословчи тавсиялар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қашқадарё вилоят бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2024 йил 5 мартдаги 20-8/267-сон маълумотномаси). Натижада, дарёнинг оқим бўйлаб органик моддалар билан ифлосланиш манбаларини белгилаш ҳамда сувдаги моддаларнинг рухсат этилган меъёрларини назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (улардан 5 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларида) нашр этилган. 1 та ўқув-услубий қўлланма ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Альгологик илмий тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган **биринчи бобида** дунё ва МДХ мамлакатлари, Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон дарёлари экологик сапроб-индикатор сувўтларининг тадқиқ этилишига бағишланган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган, хусусан, R.Kolkwitz, M.Marsson (1908, 1909), Г.И.Долгов, Я.Я.Никитинский (1927), V.Sladecek (1961, 1963, 1973), R.Sramer-Husek (1956), Pantle R., Buck H. (1955), В.Н.Жукинский, О.П.Оксиюк, Г.Н.Олейник, С.И.Кошелева (1981), Т.Ф.Куричкина (2016), Е.Д.Краснова, С.Н.Власова, М.В.Мардашова, С.М.Смиренский (2011), Х.А.Алимжанова (1991, 2005), М.А.Шайимкулова (2007), Н.Ш.Эшмуродова (2010), Х.Э.Эргашева (2017), Й.Ш.Тошпўлатов (2018), З.А.Исматова (2018), М.П.Юлдашева (2019), К.С.Маманазарова (2019) ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг объекти, материаллари ва ўрганиш услублари”** номли **иккинчи бобида** тадқиқот объекти, материаллари ва ўрганиш услублари келтирилган.

Илмий тадқиқотнинг объекти Қашқадарё ҳавзаси юқори, ўрта ва қуйи оқимлари альгофлорасининг экологик сапроб-индикатор сувўтлари ҳисобланиб, уни тадқиқ этиш учун Қашқадарё табиий географик харитасида доимий ва вақтинчалик мониторинг-кузатув нуқталари танлаб олинган (1-расм).


Тадқиқотлар даврида 160 дан ортиқ альгологик намуналар йиғилган. Шундан 50 таси – фитопланктон, 60 таси – фитобентос, 40 таси – перифитон

ва 10 таси – сузиб юрувчи “кулчалар” экологик гуруҳлари намуналаридан иборат.

Илмий тадқиқотни олиб боришда умумий қабул қилинган альгологик, гидробиологик тадқиқот методларидан, гидрологик, гидрохимик, статистик таҳлилий материаллардан, дала ва лаборатория амалиёти методларидан фойдаланилган.

Сувнинг гидрологияси В.Л.Шульц (1965), В.Л.Шульц, Р.Машарипов (1969), сувнинг гидрохимёвий таркибини ўрганишда эса Ўзгидрометнинг “Ежегодник” манбаларидан фойдаланиб, таҳлил этилган.

Сувўтларини йиғиш, турлар таркибини ўрганиш, таксономик таҳлилда М.М.Голлербах, В.И.Полянский (1951), С.П.Вассер ва бош. (1981), М.М.Забелина, И.А.Киселев, А.И.Прошкина-Лавренко, В.А.Шешукова (1951), Т.Г.Попова (1955), О.М.Матвиенко, Т.В.Догадина (1978), Г.М.Паламарь-Мордвинцева (1982)ларнинг аниқлагичларидан, қиёсий таҳлилда Жаккар (1974) формуласидан, сапроб-индикатор турларни аниқлашда R.Kolkwitz, M.Marsson (1908, 1909)дан, уларнинг учраш даражаси 9 балли шкаладан, сув сапробиологик индексини ҳисоблашда R.Pantle H.Buck (1955) формуласидан (“Унифицированные методы исследования качества воды, 1977” манбасига асосланган методологик манбадан), сувнинг экология-сапробиологик зонасини белгилашда В.Н.Жукинский ва бошқалар (1981)нинг методларидан фойдаланилган.



1-расм. Қашқадарё харитаси

Диссертациянинг “Қашқадарё водийсининг табиий-географик, гидрологик ва гидрохимёвий таснифи” деб номланган учинчи бобида Қашқадарё водийси табиати, гидрологияси, сувнинг физик ва кимёвий таркиби, уларнинг миқдорий ўзгариши ва РЭМ чегаралари, дарё сувини ифлослантирувчи манбалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Қашқадарё сапроб-индикатор сувўтларининг биологик хилма-хиллиги, флора-систематик ва қиёсий таҳлили, прогрессив ва регрессив турлар” деб номланган тўртинчи бобида дарё

сапроб-индикатор турларининг биохилма-хиллиги, флора-систематик, қиёсий таҳлили, етакчи таксонлар, прогрессив ва регрессив турлар ҳақидаги тадқиқотлар натижаси таҳлил этилган.

2010-2021 йиллар давомида Қашқадарё мониторинг нуқталарида тадқиқотлар олиб борилган. Дарёдан илк маротаба сувўтларининг 75 та (68 тур, 6 вариация, 1 форма) экологик сапроб-индикатор турлари топилган ва электрон картотекаси, систематик рўйхатлари тузилган. Систематик таҳлилга кўра, улар 33 та туркум, 17 та оила, 11 та тартиб, 9 та синфга ва 4 та бўлимлар – *Bacillariophyta* (54:72 %), *Cyanophyta* (10 тур:13,33 %), *Chlorophyta* (10:13,33 %) *Euglenophyta* (1:1.33)га мансубдир (1-жадвал).

Қашқадарё экологик сапроб-индикатор сувўтларининг **етақчи таксонлари** 3 та бўлимга тегишли бўлиб, улар 6 та синф, 6 та тартиб, 7 та оила, 8 туркумдан иборат 31 турни ўз ичига олади. Бу кўрсаткич умумий индикатор-сапроб турлар сони (75)га нисбатан 41,33 фоизни ташкил этади (2-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё индикатор-сапроб турларининг флора-систематик таҳлили, *Cyanophyta*, *Bacillariophyta*, *Euglenophyta*, *Chlorophyta*даги таксонлар сони

Бўлимлар	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур ва тур хилларининг сони				
	сони				тур	вариация	форма	жами сувўтларлари	Умумий сонга нисбатан фоиз, %
<i>Cyanophyta</i>	2	2	2	4	10	-	-	10	13.33
<i>Bacillariophyta</i>	2	3	7	21	47	6	1	54	72.01
<i>Euglenophyta</i>	1	1	1	1	1	-	-	1	1.33
<i>Chlorophyta</i>	4	5	7	7	10	-	-	10	13.33
Жами: 4	9	11	17	33	68	6	1	75	100.00

2-жадвал

Қашқадарё альгофлораси индикаторларининг етакчи таксонлари сони

Сувўтлар бўлимлари	Синфлар	Тартиблар	Оилалар	Туркумлар	Етакчи туркумларда жами турлар сони, % ҳисобида
<i>Cyanophyta</i>	<i>Chroococcophyceae</i> (3) <i>Hormogoniophyceae</i> (7)	<i>Chroococcales</i> (3) <i>Oscillatoriales</i> Elenk. (7)	<i>Merismopediaceae</i> Elenk. (3) <i>Oscillatoriaceae</i> (Kirchn.) Elenk. (7)	<i>Merismopedia</i> (Meyen.) Elenk.3 <i>Oscillatoria</i> Vauch. (5)	8 : 10,67
<i>Bacillariophyta</i>	<i>Pennatae</i> (44)	<i>Raphinales</i> Подпор. <i>Monoraphineae</i> Schutt (30)	<i>Naviculaceae</i> (17) <i>Nitzschiaceae</i> (7)	<i>Cymbella</i> Ag. (6) <i>Gomphonema</i> Ag.(5) <i>Nitzschia</i> Hass. (6)	17: 26,67
<i>Chlorophyta</i>	<i>Protococccophyceae</i> (2) <i>Siphonocladophyceae</i> (2) <i>Conjugatophyceae</i> (6)	<i>Chlorococcales</i> (2) <i>Cladophorales</i> (2) <i>Zygnematales</i> (2)	<i>Scenedesmaceae</i> Oltmans (2) <i>Cladophoraceae</i> (Hass.)Izitt rem (2) <i>Spirogyraceae</i> Randh. (2)	<i>Scenedesmus</i> Meyen (2) <i>Cladophora</i> Kuetz. (2) <i>Spirogyra</i> Link. (2)	6 : 8,0
Жами: 3	6 : 66,67 %	6: 6 6,67 %	6 : 66,67 %	8: 25,24 %	31 : 41,33

Қашқадарё экологик сапроб-индикатор сувўтларининг қиёсий таҳлили натижасига кўра, жами турлар сони юқори оқимда – 40 та, ўрта оқимда – 44 та, қуйи оқимда – 23 тага тенг. Жами ўхшаш турлар сони юқори ва ўрта

оқимда – 19 та, юқори ва қуйи оқимда – 10 та, ўрта ва қуйи оқимларда – 8 тага тенг. Қашқадарё сапроб-индикатор турлари флора ўхшашлик коэффициенти (ФЎК) Жассар (1974) формулласига асосан дарё юқори оқимидан қуйи оқимига томон 0, 4750 дан – 0,1887 – 0,1356 гача пасайиб бориши кузатилди.

Ўрта Осиё республикалари сув ҳавзалари сувўтлари бўйича олиб борилган қиёсий тадқиқотларнинг натижасига кўра, Қашқадарё сапроб-индикатор турларининг энг кўп флора ўхшашлиги Оқбура (0,1093), Охангарон (0,1132) ва бошқалар, энг кам ўхшашлик Ўрта Осиё табиий ва сунъий сув ҳавзалари, Жанубий Қирғизистон ва бошқалар (0,0246, 0,0259) ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Қашқадарё билан Марказий Осиё сув ҳавзалари альгофлораларининг қиёсий тавсифи (Жассар формуллеси бўйича: $K_j = c / a+b - c$)

Марказий Осиё сув ҳавзалари	Сув ҳавзаларидаги турлар сони, a+b	Ўзаро ўхшаш турлар сони, c	Флора ўхшашлик коэффициенти, фоиз ҳисобига	
Қашқадарё (Соатов, 2021)	75		ФЎК	75 турга нисбатан ФЎТ %
Табиий сув ҳавзалари (Музафаров, 1965)	2965	73	0,0246	97,33
Сунъий сув ҳавзалари (Эргашев, 1974)	2695	70	0,0259	93,33
Чирчиқ дарёси ҳавзаси (Алимжанова, 2007)	1562	72	0,0460	96,00
Охангарон дарёси (Эшмуродова, 2010)	210	29	0,1132	38,66
Андижон сув омбори (Эргашева, 2017)	418	33	0,0117	44,00
Зарафшон дарёси ўрта оқими (Тошпўлатов, 2018)	331	36	0,0973	48,00
Сангзор дарёси (Исмаева, 2018)	522	45	0,0911	60,00
Шохимардонсой-Марғилонсой (Юлдашева, 2019)	308	33	0,0942	44,00
Шимолий Фарғона водийси тик минтақалари тупроқлари (Хусанова, 2019)	247	7	0,0224	9,33
Зарафшон дарёси қуйи оқими (Маманазарова, 2019)	264	27	0,0189	36,00
Орол денгизининг жанубий қисми (Ельмуратов, 1997)	902	26	0,0273	34,66
Туркменистон сув ҳавзалари (Коган, 1972)	274	18	0,0543	24,00
Жанубий Қирғизистон сув ҳавзалари (Каримова, 1996)	657	52	0,0758	69,33
Ақбуура дарёси (Шайимкулова, 2007)	260	33	0,1093	44,00

Изоҳ: ФЎК – флора ўхшашлик коэффициенти; ФЎТ – флора ўхшаш турлар.

Қашқадарё индикатор сувўтларининг деярли 93, 97 фоизи Ўрта Осиё, 96 – Чирчиқ, 69 – Жанубий Қирғизистон сув ҳавзалари, 60 – Сангзор дарёсида, улардан камроқ фоизларда бошқа дарё ва сув омборида, энг кам кўрсаткич – 9,33 фоиз Наманган тик минтақалари тупроқларида учраши кузатилди. Қашқадарёдан топилган 75 та тур ва вариация, формалар Қашқадарё учун биринчи мартаба топилган турлар ҳисобланади (3-жадвал).

Дунё миқёсида ҳозирги глобаллашув жараёнида табиатда вужудга келаётган бир қатор (иқлим ўзгариши, азон туйнуғи, теплица эффекти, тоғларда муз тилларининг қисқариши, антропоген омилларнинг салбий босими, сувларнинг физик ва кимёвий жиҳатдан ифлосланиши), биологик хилма-хилликдаги барқарорликнинг бузилишига ва, айниқса, сувлар таркибида яшаётган микроорганизмлар сони ва сифат даражасининг салбий

томонга ўзгаришига, **прогрессив, регрессив ва йўқолиш арафасида турган турларнинг** пайдо бўлишига олиб келди (Алимжанова ва бошқалар, 2021).

Жами топилган 75 та сапроб-индикатор сувўтларидан 20 таси **прогрессив** сапроб индикатор турлар – *Synedra pulchella*, *Diatoma anceps*, *Gomphonema intricatum*, *Cladophora fracta*, *Cl.glomerata*, *Mougeotia genuflexa*, *Spirogyra fluviatilis*, *S.majuscula* ва бош., уларнинг учраш даражаси (h) – 5,7,9 балларга тенг; 10 таси баъзи МНларда **прогрессив**, бошқа МНларда **регрессив** ҳолатдаги турлар – *Melosira varians*, *Diatoma vulgare*, *Fragilaria capricina* ва бошқалар, уларнинг h – 9,7,5,3 балларда қуйи оқимга томон пасаяди; 39 таси **регрессив** – *Cyclotella bodanica*, *C.comensis*, *C.comta*, *C.meneghiniana*, *Stephanodiscus dubius* ва бош., h – 3 бал; 4 таси **регрессив ва йўқолиш арафасида турган турлар** – *Cymbella affinis*, *C.prostrate*, *C.ventricosa*, *Nitzschia linearis*, h – 3 ва 1 бал; 2 таси **мутлақ йўқолиш арафасидаги турлар** – *Gyrosigma lanceolatum var.insigne*, *Bacillaria paradoxa*, h – 1 балга тенг.

Баъзи турлар дарё юқори оқимларида 5,7,9 балларгача учраган бўлса, ўрта ва қуйи оқимларда уларнинг учраш даражаси 5,3,1 балга камайиб боради. Бу дарё қуйи оқимларида ифлосланиш даражаси ортганидан дарак бераётганини билдиради. Регрессив турлар ҳам шулар жумласидан.

Диссертациянинг “**Қашқадарёнинг экологик сапроб-индикатор турларининг экологик омилларга сезувчанлиги, экологик гуруҳланиши, мавсумий ўзгариши, географик тарқалиши, сапробиологик даражаси ва уларни сув сифати бионазоратида, сув муҳофазасида қўллаш**” деб номланган бешинчи бобида экологик сапроб-индикатор турларнинг экологик омилларга сезувчанлиги, экологик гуруҳларнишига кўра классификацияси, мавсумий ўзгариши, дарё оқимларида географик тарқалиши, индикатор-сапроб турларнинг оқимлардаги ва йил фаслидаги индекс кўрсаткичлари, сув сифати ва дарё экологик-санитар зоналари ҳақида фикр юритилади.

Дарё оқимларида сувўтларига ташқи омилларнинг таъсири натижасида ҳарорат, сувнинг минериллашиши ҳаёт шаклига кўра экологик гуруҳлар шаклланган. Сувнинг ҳароратига нисбатан Қашқадарёда **эвритерм ва стенотерм** индикатор-сапроб турлар учрайди. **Эвритерм** индикатор-сапроб турлар ҳароратга нисбатан кенг диапазонли турлар ҳисобланиб, улар 3⁰С дан 30⁰С ва ундан юқори ҳароратга чидамли, баъзан улар иссиқ ва қайноқ (90⁰С) булоқларда ҳам учрайди. Бундай турларга *Melosira varians*, *Fragilaria capricina*, *Synedra berolinensis*, *S.ulna*, *Cymbella affinis*, *C.ventricosa*, *Gomphonema constrictum*, *Nitzschia sigmoidea* – (жами 8 та тур) киради; **стенотерм** экологик-индикатор турлар фақат ё иссиқ (термофил), ёки илиқ (мезофил), ёхуд совуқ (криофил) ҳароратли сувларда учрайди (4-жадвал).

Улардан *иссиқ ҳароратли сувларда* учрайдиган *термофил* турларга *Merismopedia elegans*, *M.punctata*, *M.tenuissim*, *Oscillatoria chlorine*, *O.nigra* каби 27 та сапроб-индикатор турлар Қашқадарёда учрайди.

Ўртача ҳароратда яшайдиган *мезофил* турлар 17 тани ташкил этади: *Oscillatoria princeps*, *Cyclotella bodanica* ва бошқалар.

Совуқ ҳароратда яшайдиган сувўтлари – криофил турлар – 7 турдан иборат: *Phormidium foveolarum*, *Melosira arenaria*, *M.italica* ва бошқалар.

Дарё сувига келиб қўшилаётган ифлос сувлар дарё сувининг минерал миқдорини ошириб юборади. Қашқадарёнинг юқори оқимларида дарё сувининг минераллашиши миқдори 220 мг/л га тенг бўлса, дарёнинг ўрта оқимида 400 мг/л ва қуйи оқимларида 700-800 мг/л дан ошади. Минераллашиш миқдори дарё оқимларида сувнинг тузлилиқ миқдорига нисбатан сувўтларининг **стеногалин ва эвригалин** турлари ҳосил бўлишига олиб келади.

Қашқадарёда топилган 75 та турлардан **эвригалин** турлар *Synedra ulna*, *Navicula atomus*, *Gyrisigma acuminatum*, *Nitzschia sigmoidea*, *Spirogyra fluvialis* ҳисобланиб, улар дарё оқимларининг бошидан охиригача учрайди. Дарё суви оқимларда олигогалиндан гипогалингача ўзгаради. Эвригалин турлар барча оқимларда ва унинг турли муҳитларига мослашган бўлиб, яшай олади, улар 5 та турдан иборат (4-жадвал).

Стеногалин турлардан: чучук сувларда яшовчи **олигогалин** турлар *Merismopedia elegans*, *Oscillatoria chlorina*, *O.nigra* ва бош. – жами 20 та. Чучук-шўртоброқ сувларда яшовчи **олиго-мезогалин** турлардан – *Merismopedia punctate*, *Oscillatiria brevis*, *Melosira varians*, *Cladophora glomerata* ва бошқалар – 13 тур дарёнинг бош ва ўрта оқимларида учрайди. Шўртоброқ сувдаги сувўтларга **мезогалин** сувўтлар кириб, асосан, ўрта оқимда учрайди: *Phormidium foveolarum*, *Melosira arenaria*, *M.italica* ва бошқалар – жами 28 турдан иборат. Шўртоброқ – шўр сувда яшовчи **мезо-гипогалин** сувўтлар – *Cyclotella comta*, *Cocconeis pediculus*, *Rhoicosphenia curvata* – жами 3та тур. Шўр сувли **гипогалин** сувўтлари – *Melosira diskei*, *Cyclotella comensis*, *C.meneghiniana* ва бош. – жами 6 тур. Ўта шўр гипергалин ва намақоб ультрагалин турларининг учраши кузатилмади. Жами стеногалин сувўтлар сони 70 тани ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

Қашқадарё индикатор-сапроб сувўтларининг экологик гуруҳларидаги турлар сони ва гуруҳ умумий сонига нисбатан фоизи, ҳисобида (М.М.Голлербах ва В.И.Полянский классификацияси бўйича, 1951)

Ҳароратга нисбатан		Тузга нисбатан		Яшаш муҳитига нисбатан ҳаётий шакллари					
эригерм	стенотерм	эвригалин	стеногалин	планктон	бентос	перифитон	С.ю.с. “улча”	эпифит	факультатив
8	67	5	70	9	29	7	3	3	24
10.67	89.33	6.67	93.33	12.00	38.67	9.33	4.00	4.00	32.00
75 : 100		75 : 100		75 : 100					

Сапроб-индикатор турларнинг **ҳаётий шаклига кўра**, фитопланктон, фитобентос, перифитон (обрастание), сув юзасида сузиб юрувчи “кулчалар”, эпифит ва факультатив каби экологик гуруҳларга бўлинади (Голлербах, Полянский, 1951). Қашқадарё сувида турлар сони жиҳатидан доминант

фитобентос гуруҳи бўлиб, у 29 турга эга, ундан кейинги ўринларда планктонлар (9 тур), перифитон (7), сув юзасида сузиб юривчи “кулчалар” (3) ва эпифитлар (3) туради. Қолган 24 турлар факультатив гуруҳларда учрайди (4-жадвал).

Қашқадарё сапроб-индикатор турларининг **мавсумий ўзгариши**, албатта, йил давомида сув ҳароратининг ўзгаришига боғлиқ. Қашқадарёда юқори тоғ зонасидан адир ва текисликлардаги оқимларида баҳор мавсумида сув (10°C - 14°C) ҳамда ҳаво (17°C - 22°C) ҳароратининг ошиб боришида диатом, яшил ва кўк яшил сувўтлари жадал ривожланиши кузатилади. Сувўтлар турлари сони ёз ойларида кўпаяди. Ёзда дарё суви ҳарорати 22°C - 29°C , дарёнинг баъзи қўлтиқларида ҳарорат 33°C га етиши кузатилади. Кузда ҳавонинг ҳарорати 15°C - 18°C , сувнинг ҳарорати 10°C - 13°C га тенг. Кузда кўк-яшил, диатом, яшил сувўтларининг турлар сони камайиши кузатилади. Қиш фаслида дарёнинг бош қисмида сувнинг ҳарорати 1°C - 2°C , қуйида 4°C - 6°C га тенг. Сувўтлари тури таркиби ва сони жиҳатидан камаяди. Бу пайтда дарёдаги кўк-яшил, яшил сувўтларининг деярли 95 фойизи тиним ҳолатига ўтади, эвглена эса учрамайди. Сапроб сувўтлар турларининг камроғи баҳорда (19), энг ками қишда (16), энг кўп турлар сони ёз (49) ва куз (28) фаслларида учрайди. Демак, дарё суви ҳарорати кўтарилиши турлар сони ортишига ва ҳароратнинг пасайиши турлар сони камайишига олиб келади (5-жадвал).

5-жадвал

Қашқадарё экологик сапроб-индикатор сувўтлари бўлимларидаги турлар сонининг мавсумлардаги ўзгариши

Сувўтлар бўлими	Йил мавсумлари								Умумий турлар сонига нисбатан, %
	баҳор		ёз		куз		қиш		
	турлар сони	фоизда, %	турлар сони	фоизда, %	турлар сони	фоизда, %	турлар сони	фоизда, %	
Cyanophyta	-	-	9	18.37	2	7.14	1	3.57	10 : 13,3
Bacillariophyta	14	73.68	33	67.35	24	85.72	15	93.75	54 : 72,1
Euglenophyta	-	-	-	-	1	3.57	-	-	1 : 1,3
Chlorophyta	5	26.32	7	14.28	1	3.57	-	-	10 : 13,3
Жами турлар сони:	19	100	49	100	28	100	16	100	75:100,0
Сувнинг ҳарорати, $t^{\circ}\text{C}$	11-19 ⁰		20-27 ⁰ , 29-33 ⁰		13-15 ⁰		3-7 ⁰		

Қашқадарё кўк-яшил, диатом, яшил ва эвглена бўлими сапроб-индикатор (ксеносапроб, олигосапроб, бета-мезосапроб, альфа-мезосапроб ва полисапроб) турларининг **дарё оқимларида географик тарқалиши** ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, дарёнинг жами 8 та мониторинг нуқталаридаги сувўтларнинг сони юқори оқимдан қуйи оқимга томон камайиб бориши кузатилди: **21,22,13,26,15,18,14,10** (6-жадвал, 2,3-расмлар).


Олинган натижалар умумлаштирилганда *ксено-* ва *олигосапроб-*индикатор – тоза сув кўрсаткичи сони 29 тур: 38,67 %; *бета-* ва *альфа-*мезосапроб индикатор – сувнинг ўртача ифлосланиш кўрсаткичи сони 45 тур: 60 %; кам миқдорда (1 тур: 1,33 %) полисапроб – ифлос сувнинг кўрсаткичини ташкил этади. Оқим бўйлаб кузатув нуқталарда (КН ёки МС) ксено ва олигосапроб индикатор турлар сони кам – **8,11,7,14,6,6,5,4**, бета-,

альфа-мезо-сапроб – индикатор турлар сонига нисбатан – *12,11,6,12,9,12,9,6*. Демак, дарё юқори оқимидан ўрта ва қуйи оқимларига томон сувнинг сифати пасайиб бориши ифлосланиш даражасининг ортиб бораётганидан далолат беради (6-жадвал ва 2,3-расмлар).


6-жадвал

Экологик сапроб-индикатор сувўтлари турларининг Қашқадарё оқимлари мониторинг нуқталарида тарқалиши ва уларнинг сони

Сапробилик шкаласи ва уларнинг шартли белгилари	Жами сапроб-индикатор турлар ва уларнинг фоизи, %		Мониторинг станция (Кузатув нуқта)ларда сапроб-индикаторлар сони							
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
			Х.Башир	Китоб	Чироқчи	Чим	Оқработ	Қарши	Косон	Муборак
<i>Ксеносапроблар, х</i>	8	10,67	3	5	-	5	2	-	-	-
<i>Олигосапроблар, о</i>	21	28,00	5	6	7	9	4	6	5	4
<i>Бета-мезосапроблар, β</i>	36	48,00	10	8	6	10	8	11	8	5
<i>Альфа-мезосапроблар, α</i>	9	12,00	2	3	-	2	1	1	1	1
<i>Полисапроблар, ρ</i>	1	1,33	1	-	-	-	-	-	-	-
Умумий сони:	75	100	21	22	13	26	15	18	14	10



2-расм. Қашқадарё оқимларида барча сапроб-индикатор турлар сонининг ўзгариб бориши



3-расм. Дарё оқимларида тарқалган ксено-, олигосапроб индикаторларнинг бета-, альфа-мезосапроб индикаторларга нисбати

